

МУМИНОВА Дилшодахон

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
dilshodamuminova110@gmail.com

ТИЛШУНОСЛИКДА ТЕРМИНОЛОГИЯНИ КОМПЛЕКС ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

ВОПРОСЫ КОМПЛЕКСНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ТЕРМИНОЛОГИИ В ЯЗЫКОЗНАНИИ

ISSUES OF A COMPREHENSIVE STUDY OF TERMINOLOGY IN LINGUISTICS

Аннотация. Терминология йўналишидаги илмий-тадқиқотлар самарадорлигининг ошиши, олинган натижаларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилишида ўсиш динамикасини кузатиш мумкин. Хусусан, дунёнинг кўплаб таълим муассасаларида терминологиянинг структур-семантик хусусиятларини очиб бериш, адабий тил лексикасини тилшуносликнинг сўнги ютуқларига асосан илмий тадқиқ қилиш заруратга айланмоқда. Мазкур мақолада айнан шу йўналишда қўлга киритилган ютуқлар ва соҳада бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: терминология, терминологик тизим, лингвистика, лексема, луғавий бирлик, номинация, ономасиология, семасиология, процессуал ёндашув, статик ёндашув.

Аннотация. Можно наблюдать динамику роста повышения эффективности научных исследований в области терминологии, широкого применения полученных результатов на практике. В частности, во многих учебных заведениях мира становится необходимым выявление структурно-семантических особенностей терминологии, научное исследование лексики литературного языка на основе новейших достижений языкознания. В данной статье рассказывается о достижениях, достигнутых в этом направлении, и задачах, которые предстоит выполнить в этой области.

Ключевые слова: терминология, терминосистема, языкознание, лексема, лексическая единица, деноминация, ономасиология, семасиология, процедурный подход, статический подход.

Annotation. One can observe the growth dynamics of increasing the efficiency of scientific research in the field of terminology, the wide application of the results obtained in practice. In particular, in many educational institutions of the world it becomes necessary to identify the structural and semantic features of terminology, the scientific study of the vocabulary of the literary language on the basis of the latest achievements of linguistics. This article describes the achievements made in this direction and the tasks to be performed in this area.

Keywords: terminology, term system, linguistics, lexeme, lexical unit, denomination, onomasiology, semasiology, procedural approach, static approach.

КИРИШ

Жаҳон амалий тилшунослиги илмий мактабларида терминологияни янги парадигмалар доирасида тадқиқ этиш, терминологик ва лексик бирликларни тизимлаштириш ва тартибга солиш масалалари кун тартибига қўйилган. Тил ва жамиятнинг узвий боғлиқлиги, уларнинг динамик ва тўхтовсиз ўзгаришларга учраши, қолаверса, соҳага янги термин ва лексемаларнинг мунтазам ўзлаштирилиши натижасида кенг қўлланилиши тилшунослик соҳасида амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларни олиб бориш муҳим эканлигини кўрсатади. Бу борада терминологияни комплекс тадқиқ этиш тадқиқ этилаётган тил таркибидаги луғавий бирликларнинг ифода имкониятлари ва лексик-семантик хусусиятларини янги методологик тамойиллар ва замонавий мезонлар асосида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Терминологик проблематика ўзининг барча ранг-баранглиги билан турли мутахассисликлар ва соҳалар вакиллари – тилшунослар, таржимонлар, терминологлар, терминологик информацион тилларни яратиш бўйича шуғулланувчи мутахассислар ва ҳ.к. томонидан тадқиқ қилиб келинади.

Терминология тадқиқотчиларни унда турли лингвистик ҳодисаларнинг турли маъно касб этиши нуктаи назаридан ҳам, терминлар билан калит сўзлар сифатида касбий мулоқотга, автоматик бошқариш тизимларига, автоматик излаш ва таржима соҳаларига оптимал хизмат кўрсатишдек нуктаи назардан ҳам қизиқтиради. Амалий йўналишдаги ишлар терминологияни тартибга солиш ва стандартлаштириш билан боғлиқ бўлиб, турли тилларнинг кичик

терминологик тизимларини, у ёки бу тилда термин яшаш қонуниятларини аниқлашни, ички терминологик тизимларнинг ривожланиш йўллари кўрсатишни, тилдаги терминологик бирликларнинг тизим ички хусусиятларини тадқиқ қилишга йўналтирилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фан-техника ва саноат тармоқларининг ҳозирги ривожланиш босқичида тил луғат таркиби ҳам доимий ўсиб бормоқда. Махсус илмий ва техникавий тушунчаларни ифодалаш, сақлаш ва узатиш воситаси сифатида терминологик лексикага қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Терминологик тизимларни ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши уларнинг тил тизимидаги ошиб бораётган роли, шунингдек, терминологияни шакллантиришда адабий лексикага нисбатан ўхшашлик ва фарқларини аниқлаш билан тушунтирилади.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда тилшуносликда терминлар ва терминология ҳақидаги таълимотни нисбатан мустақил, тилшунослик базасида шаклланаётган ва ривожланаётган фанга ажратишга мойиллик сезилиб қолди. Бу фаннинг ривожланиши фақат турли тиллардаги мавжуд терминларни ва терминологик тизимларни ҳар томонлама ўрганиш билан бўлиши мумкин. Бундай тадқиқотлар натижасида олинган қўламдор хулосалардан мураккаб назарий ва амалий терминологик муаммоларни ҳал қилишда фойдаланилади. Бу йўналишда олиб борилган комплекс терминологик тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамияти терминология бўйича қилинган бир қатор ишларда кўрсатилган. [3:8]

Тилшунос Ф.П. Сороколетовнинг фикрича, “лексиканинг ҳар бир конкрет қатлами айрим жиҳатларининг ривожланишини синчиклаб ўрганмасдан жиддий умумлаштиришлар қилиш мумкин эмас, акс ҳолда бундай умумлаштиришлар реал воқелик билан биринчи тўқнашувдаёқ инқирозга учраши табиий”. [10:4] Шунга ўхшаш фикрни Б.Н. Головин ҳам айтади: “Терминологларнинг диққат марказида энг реал терминларнинг структуралари ва вазифаларининг ранг-баранглигини кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда бундай таҳлилларнинг ўзига хос усуллари бўлиши керак. Терминлар ва

уларни индуктив ўрганиш билан кенг қўламдаги умумлашма ва хулосаларга келиш мумкин. Улардан назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишда бу хулосаларни самарали ишлатиш мумкин бўлади”. [5:49]

Терминологик тизимларни ўрганиш номинация муаммолари билан боғлиқ бўлиб, улар лингвистик тадқиқотларнинг марказида туради. Бу жиҳатдан терминологиянинг асосий объекти тил ҳодисаларини борлиқ билан алоқадорликда кўрсатиш, унинг алоҳида бўлақларини танлаш ва яратиш ономасиологик вазифалардан ҳисобланади. [11:197] Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай ономасиологик йўналишдаги тадқиқот, биринчи навбатда, номинациянинг усул ва типларини аниқлашни назарда тутати. Ономасиология предметлар ва тушунчаларни ифодалашнинг принцип ва қонуниятларини ўрганади, у мазмуний категория ҳамда тушунчаларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг тилда намоён бўлишидан келиб чиқади. Номинациянинг асосини ҳосил қилувчи мазмуний категориялар эса ономасиологик категориялар дейилади.

Бизнингча, терминология ҳам ономасиологик тадқиқот учун қизиқарли объектдир, чунки у ёки бу терминологияни ономасиологик ракурсда кўриб чиқиш номланаётган ҳодисаларнинг ўзаро муносабатдорлиги характерини аниқлашга имкон беради. Хорижий тиллардан термин ўзлаштириш доимий жараён бўлганлиги сабабли тилнинг терминологик қатламини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Лингвистикада лингвистик бирликларни номинация назарияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда икки, яъни *процессуал* ва *статик ёндашув* қўлланилади.

Процессуал ёндашув индивиднинг тафаккур жараёни ортидан у янги лексик бирликларни яратиш пайтида кузатишни назарда тутати. Бундай ёндашувда ономасиологияни лисоний бирликлардаги семантик структураси ва унинг маъносини ўрганувчи семасиологияга қарама-қарши қўйишади. [7:159]

Статик ёндашув эса номинация тайёр бирликларининг тадқиқини, ушбу тилга (ёки тагтилга) хос ва янги номлар учун асос бўладиган сўзлар захираларининг ва номларнинг, уларнинг

тузилиши ва ҳосил қилиниши усуллари синчиклаб таҳлил қилишни назарда тутати, бу тил ривожини ушбу босқичда қонуниятларни белгилловчилар сифатида амал қилаётган принциплар ва қоидалар билан аниқланади.

Фикримизча, лексик номинацияни бундай тушуниш семасиологик таҳлилнинг истисно этмайди, балки уни доимо тақозо қилади, чунки ономасиологик ёндашув тил бирликлари семантик структурасининг семасиологик таҳлили, уларнинг ҳар томонлама семантик алоқаларини аниқлаш билан бўлади. Буларнинг ҳаммаси, пировардида, тил фактларини лисоний тизимда ўрганишни кўзда тутати. Бошқача айтганда, у ёки бу кичик тизимнинг ономасиологик характеристикаларини тасвирлаш тил бирликлари муносабатларининг типларини тадқиқ қилишда асос бўлиши керак.

Шундай қилиб, лексик тизимлар ва уларнинг ономасиологик ҳамда семасиологик хусусиятларини комплекс ўрганиш нолисоний ҳодисаларнинг тегишли соҳаларини қамраб олади. Шунингдек, уларнинг тизимли тузилишининг ўзига хос хусусиятларини тегишли тил бирликлари мисолида номинациянинг восита ва усуллари аниқлашга асос бўлади.

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари терминологик тизимини ҳам шу жиҳатдан ўрганиш мумкин. Бу терминология, ўз навбатида фан, техника ва саноатнинг бир қатор хусусий кичик тизимларига ажралиб кетади.

Терминологиянинг ўзи акс эттирадиган воқелик соҳаси билан алоқаси туфайли терминологик кичик тизимлар лисоний ҳодисаларнинг номинатив жиҳатини тадқиқ қилиш учун энг муҳим тил материал ҳисобланади. Терминология бўйича бир қатор ономасиологик тадқиқотлар олиб борилганига қарамадан, терминологик тадқиқотларнинг айнан мана шу жиҳати лингвистикада энг кам тадқиқ ва таҳлил қилинган, амалий жиҳатдан эса етарлича ишлаб чиқилмаган. [3:10]

Юқорида номлари келтирилган тилшунослар термин тушунчасига берган таърифларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда биз ўз тадқиқотимиз доирасида қуйидаги ишчи таърифни берамиз: “Термин бу – муайян тушунчани аниқ ифодаловчи фан, техника, саноат, таълим, санъат ва

маданият каби соҳаларда қўлланувчи сўз ва сўз бирикмаларидир. Термин тизимлилик, услубий нейтраллик, маълум терминологик майдон доирасида моносемиклик хусусиятларига эга бўлиши шарт”.

Турли тилларнинг терминологик кичик тизимларининг ономасиологик ва семасиологик жиҳатлари терминология бўйича ишларда ҳар хил даражада тадқиқ қилинган. У ёки бу соҳанинг нолисоний характеристикасидан конкрет терминологик тизимнинг шаклланиш йўллари ва манбаларига тавсифлашни мақсад қилиб қўйганлар. [6:304] Баъзан терминологик бирликлар таҳлили улар ўртасидаги айрим, чунончи: сўз ҳосил қилиш, морфологик ва семантик муносабатларни аниқлаш билан қўшиб олиб борилган. [7:159]

Конкрет терминологик кичик тизимларнинг тадқиқида лингвистик тизимлилик муаммоси ҳам ўз аксини топган. Терминология бирликлари асосида бажарилган бир қатор ишлар мавжудки, уларда турли семантик майдон ва семантик гуруҳларнинг маъновий тузилишини аниқлашга уринилган.

Терминология бўйича ишларда у ёки бу терминологик тизимнинг нолисоний жиҳатдан боғлиқлик спецификаси етарлича ишланмаган, шу боис адабий лексика материаллари асосида амалга оширилган тадқиқотларда тилдаги нолисоний ва лисоний муносабатларга жиддий эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, термин яшаш қонуниятларини тўғри тушуниш ва аниқлаш, формал структура ҳамда унинг ифода қилинаётган мазмунга боғлиқ хусусиятларини ўрганиш, хусусан, синонимия, антонимия ва омонимия муносабатларини тадқиқ қилиш – буларнинг ҳаммаси терминологияни тартибга солиш ва стандартлаштириш амалий аҳамиятга эгадир.

ХУЛОСА

Инсон интеллектининг маҳсули бўлган термин ўзида ақлий имкониятларнинг ранг-баранглигини намоён этади, бу жараёнда кўчма маънолар ҳам ривожланади, потенциал ва қисман кўп маънолилик, синонимия каби лисоний ҳодисалар юзага чиқади.

Ҳар бир сўз туркуми тизимида мавжуд бўлган ономасиологик структураларнинг

тахлили ономасиологик базиснинг ва ономасиологик белгининг ўзаро муносабатлари тахлилидан иборат, яъни ном объекти кирадиган ўша тушунча синфининг ва базисни конкретлаштиришга ёки аниқлашга қўмаклашадиган ономасиологик “ўзгарувчан ўлчамнинг” тахлилидир. [12:209] Бу босқичларда ўтказиладиган номинациялар тахлили объектлар тушунчалари номларининг, иш-ҳаракатларнинг, саноат махсус тармоғи белгиларининг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради. Ушбу тушунчалар ўзларининг дастлабки аксини топадиган асосий сўз туркумлари категорияларини аниқлашга, шунингдек, у ёки бу грамматик синфга тегишлилиги асосида бирлаштирилган лексик номинациянинг асосий тузилиш типларини аниқлашга йўл қўяди.

Ҳосила сўзларнинг сўз ясалиши тахлили ишда кенг қўлланишга эга бўлиб, у сўз яшаш актининг синхрон ҳолати ва уни амалга оширишнинг шартларини аниқлашни, моддий воситаларни ва амалга ошиш усулларини, шунингдек, асословчи бирликнинг бир ўзакли асословчи билан алоқаси ўрнатилишини назарда тутди.

Терминологиянинг юқорида кўрсатилган жиҳатларда ўрганиш, ономасиологик ва семасиологик ёндашувларнинг турли тилларни тадқиқ қилишдаги мустаҳкам алоқаси терминологияга оид тадқиқотларда сермахсул бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акуленко В.В. Лексические интернационализмы и методы их изучения // Вопросы языкознания, 1976. №6. – С. 50-53.
2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. 3-е изд., перераб и доп. – М.: Русский язык, 1983. – 269 с.
3. Виноградов В.В. Вступительное слово на Всесоюзном терминологическом совещании в Москве в 1959 году // Вопросы терминологии. – М., 1961. – С.3-10.
4. Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях // Избранные труды. В.В. Виноградов. – М.: Наука, 1977. – 322 с.
5. Головин Б.Н. О некоторых проблемах изучения терминов // Вестник Моск-го ун-та, 1972. Серия 10. Филология. – С. 49- 59.
6. Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование. – М.: Просвещение, 1973. – 304 с.
7. Пиотровский Р.Г. Системное исследование лексики научного текста. – Кишинев: Штиинца, 1981. – С. 159.
8. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии хлебопекарного производства. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1982. – 231 с.
9. Соколовская. Ж.П. Система в лексической семантике (анализ семантической структуры слова). – Киев: Вища школа, 1979. – 189 с.; Труды: исследования по русской грамматике. – М., 1975. – С.295-312.
10. Сороколетов Ф.П. История военной лексики в русском языке (XI-XVII веков). – Л., 1970. – С4.
11. Сперанская Н.Н. Лесохозяйственная терминология: Дисс. ...канд. филол. наук. – Л., 1984. – 197 с.
12. Стенгревица М.М. Место терминологической лексики в толковом словаре литературного языка / Вопросы разработки научно-технической терминологии. – Рига, 1973. – С. 209-218.